

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Экология ва атроф-муҳитни**  
**муҳофаза қилиш давлат**  
**қўмитаси раисининг биринчи**  
**ўринбосари,**  
**Харид комиссияси раиси**



А. Халилов У.Халилов  
«    »    2022 г

**Лойиҳанинг тавсифи**

**Лойиҳанинг номи:**

Геоахборот маълумотлар базасида ҳудудларда мавжуд заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонларга тегишли майдонли фазовий қатлам яратиш.

**Мақсади:**

Лойиҳанинг асосий мақсади Давлат кадастрлари ягона тизимининг талабларига мувофиқ, ҳудудларда мавжуд заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган жойларнинг аниқ чегара ҳудудларини ва санитария-ҳимоя минтақаларини белгилаш ва ягона маълумотлар базасини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги ПҚ-4427-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 647-сон қарорлари асосида, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бўш турган ер участкаларини “YERELEKTRON” АТ орқали доимий фойдаланишга бериш белгиланган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун ер майдонлари заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонларнинг санитария- муҳофаза минтақаларидан ажратилишининг олдини олишга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд 15 та (майдони 59,3 гектар) заҳарли кимёвий бошқа токсик моддаларни консервация қилинган махсус полигонлар учун ажратилган ер майдонларининг контурларига (периметри) тегишли географик координаталарини аниқлаш ҳамда уларнинг санитария-муҳофаза минтақаларини белгилаш асосида, географик ахборот тизимида заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонлар бўйича маълумотлар базасини яратиш.

**Вазифалар ва режалаштирилган чора-тадбирлар**

**Вазифалар:**

1. Ҳудудларда мавжуд заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонларни ташкил этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (туман (шаҳар)) ҳокимликлари қарорлари асосида ажратилган ер майдонларининг контурларига (периметри) тегишли географик координаталарини аниқлаш ҳамда уларнинг санитария-муҳофаза минтақаларини белгилаш;

2. Тўпланган маълумотлар асосида Давлат кадастрлари ягона тизимининг Географик ахборот тизимида (ДКЯТ ГАТ) захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонларнинг майдонли тематик қатламини базавий картографик асосдан фойдаланиб ArcGIS дастурий таъминотида (\*.shp, \*.gdb, \*.mdb форматларда) маълумотлар базасини яратиш;

3. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламнинг математик асоси базавий картографик асоснинг математик асосига мувофиқ шакллантириш;

4. ДКЯТ ГАТга тегишли тематик қатламнинг атрибутив маълумотлари давлат тилида ва асосли маълумотлар билан тўлдириш.

#### **Режалаштирилган чора-тадбирлар:**

1. Захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонлар чегараларини, шу жумладан майдонларини, географик координаталарини аниқлаш ва электрон тавсифлаш.

2. Захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонларининг географик координаталарини аниқлаш, уларнинг чегараларини тавсифлаш, эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар рўйхатини ва бошқа маълумотларни шакллантириш.

3. Захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонлар давлат кадастри ГАТ маълумотлар базасини яратиш.

#### **Кутилаётган натижалар:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарори ижроси таъминланади.

2. Захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар консервация қилинган махсус полигонлар чегараларининг тавсифлари Миллий геоахборот базаси талаблари асосида кадастр маълумотлари рақамлаштирилади.

**Бажариш суммаси: 250 млн. сўм.**

**Бажариш муддати: 2022 йил 31 декабрь.**

Келишилди:

Ишлар бошқармаси бошлиғи, Харид  
комиссияси раиси ўринбосари

Ф. Мусаев

Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси  
бошлиғи, комиссия аъзоси

В. Хайтбоев

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги  
ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил  
этиш бошқармаси бошлиғи, комиссия  
аъзоси

В. Абдуллаев

Атроф-муҳит ифлосланишини  
мувофиқлаштириш ва мониторинги  
бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси



У. Собиров

Молия бошқармаси бошлиғи в.б.,  
комиссия аъзоси



А. Муродов

Юридик бўлим бошлиғи в.в.б., комиссия  
аъзоси



Д. Абдурахманова

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги  
ишларни мувофиқлаштириш  
ва ташкил этиш бошқармаси бўлим  
бошлиғи, Харид комиссияси котиби



Х. Аллаяров